Ишда келтирилган маълумотлар 2000-2001 йилларнинг баҳор ва ёз фаслларида Бухоро вилоятининг Шофиркон ва Ромитан туманларидаги карьерлардан тўпланди. Кузатилган карьерлар чўл ландшафтларида ва у билан чегарадош маданий ландшафтларда жойлашган бўлиб, гипс ҳамда шағал қазиб олиш оқибатида шаклланган.

Уларнинг майдони, шакли ва чуқурлиги турлича. Карьерларнинг жойлашган жойига ва чуқурлигига боғлиқ ҳолда турли чуқурликлардаги сув кўлмаклари ҳосил бўлган.

Кузатишларимиз давомида 20-карьердаги экологик ҳолат таҳлил этилди. Уларнинг ҳар бир майдони 0,03 га. дан 10 га. гача, ўртача 25 га.ни ташкил этди. Ўрганилган карьерларни хронологик-экологик хусусиятларига кўра шартли равишда 3-гурӯҳга ажратиш мумкин.

1. Саёз карьерлар. Бу типдаги карьерлар шаклланиш муддатидан қатъий назар қатор хусусиятлари билан ўхшаш. Жумладан чуқурлиги ўртача 1,4 м (0,3-2), зах сувлари йўқ, ўсимликлар қоплами яхши шаклланган. Уларда агроценоз орнитофаунасига хос бўлган 16-тур қушларнинг учраши қайд этилди. Аммо уя қурган турлар учратилмади.

2. Ўртача чуқурликдаги карьерлар. Бундай карьерларнинг кўпчилиги чўл ландшафтида жойлашган бўлиб, чолрва молларининг боқилиши ва бошқа антропоген таъсирлар натижасида анча кўмилган. Ўртача чуқурлиги 2,2 м (1,5-2,5) бўлиб, зах сувлари йўқ. Уларнинг мишок қирғоғида ва ички қисмида юлғун, янтоқ, қамиш, қамоқ ва ўсимликлар қоплами шаклланган. Орнитофауна таркибида 22-тур қушлар қайд қилинди. Бу карьерларда зарафшон қирғовули, суфитўрғай ва кўрғалак каби турларнинг уя қуриши аниқланди.

3. Чуқур карьерлар. Бундай карьерлар чуқурлиги ўртача 3,4 м. Барчасининг асосида зах сувлари ва кичик оролчалари мавжудлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Бу типдаги карьерларни шаклланиш муддатига кўра 2-гурӯҳга ажратиш мумкин:

А) Қазилган ишлари яқинда тўхтатилган ёки давом этаётган ёш карьерлар. Одатда бундай карьерларнинг қирғоқ қисми анча тик, сув сатҳи 4-80 см, ўсимлик қоплами деярли шаклланмаган. Орнитофаунаси 16 турдан ташкил топган. Бу ерда катта қизил оёқ, дарё чигирткаси, кораёқа, кўк буздоқ., ҳинд чумчуғи каби турларнинг уялари топилди. 19-21 май кунларида шундай карьерларнинг бирида ҳинд чумчуғини 32, кўк буздоқнинг 6 уяси борлиги аниқланди. Иккинчисида эса янги қурилган қуш уяларининг сони 292 тани ташкил этди. 23 май куни карьерларнинг жойлашган оролчаларда катта қизил оёқнинг 4 та, дарё чигирткасининг 10 та уяси топилди. Топилган уяларда 1-3 тадан тухумлар қўйилганлиги аниқланди. Чўл ландшафтида уя қуриш жойларининг танқислиги сабабли карьерлардаги уялар орасидаги масофа жуда қисқа, бир-бирига яқин жойлашган.

Б) Қазилган ишлари тўхтатилганига 10-15 йил бўлган эски карьерлар. Қирғоқларида ва асосида қамиш, кўға, юлғун ва бошқа ўсимликлар ўсади. Зах сувларнинг сатҳи баъзан 2 м гача етади. Бундай ҳудудлар 28-тур қушлар рўйхатга олинди. Уларнинг асосини сув қушлари ташкил этади. Сув мошак, қашқалдоқ, буктарги, тўқай чумчуғи, мўйловдор читтак каби турларнинг уя қуриши қайд этилди.

Чўл зонасидаги қирғоқчил ҳудуд учун сувлик карьерлар сув ва сув олди қушларини жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганилаётган карьерларда 39-турдаги қушларнинг учраши, шундан 13-турнинг уя қуриши қайд этилди. Карьерлар чўл зонаси ва унда жойлашган агроценозларда ўзига хос микромуҳитлар ҳосил қилади. Улар биохилма-хилликни, айниқса орнитохилма-хилликни бойитишда, қушларнинг яшаш жойи сифатида ўзига хос мавқега эга. Уларни чуқурроқ ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга моликдир.

БУХОРО АЭРОПОРТИДАГИ ЁЗГИ ОРНИТОЛОГИК ҲОЛАТ.

С.Б.Бақоев, Б.М.Назаров.

(Бухоро давлат университети)

Ҳозирги давр орнитологиясида қушлар ва авиация муаммолари дунё миқёсидаги муҳим илмий-амалий масалага айланди. Бунинг асосий сабаби: қушларни самолётлар ва бошқа учувчи аппаратлар билан тўқнашуви сон жиҳатдан кўпаймоқда, натижада қимматли техникага сезиларли турли шикаст етказилмоқда. Баъзан ҳатто кишиларнинг бевақт ўлими, қаттиқ жароҳатланиши кузатилмоқда. Бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун даставвал аэропортларни экологик жиҳатдан ўрганиш, айниқса улардаги орнитологик вазиятни чуқур таҳлили муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий хабарда халқаро Бухоро аэропортининг ёзги орнитологик ҳолатига доир айрим кузатишларимиз натижаларини келтирамиз.

Бухоро аэропортидаги орнитологик вазият бундан 22 йил аввал тадқиқотчиларни ўзига жалб этган (Жабборов, 1982,1988). Аммо аэропортдаги ёзги орнитологик ҳолат ҳизиргача алоҳида ўрганилмаган. Бундан ташқари ўтган давр ичида аэропорт майдони, унинг мақоми, экологик тавсифи сезиларли даражада ўзгарди. Шунинг учун ҳам ҳаёт талаблари тақозоси билан бу мавзунини ўрганиш яна муҳим, долзарб ҳисобланмоқда.

Бизнинг кузатишларимиз 2003 йилнинг май, июнь, июль ойларида аэропорт ва унга ёндош ҳудудда олиб борилди. Биз шу ҳудудда яшовчи, учровчи қушларнинг тур таркиби, ҳаёт кечириш характери, сони ва бошқа биологик хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Тадқиқотларни олиб боришда амалдаги услублардан (Гаврилов, 1977; Остапенко ва бошқа, 1984) фойдаландик.

Бухоро аэропорти шаҳарнинг шарқида жойлашган, майдони 273 га. Кузатишларимиз даврида аэропорт ва унинг атрофида 30 тур қуш қайд қилинди. Бу турларнинг аксарияти ҳудудда уя қилувчи қушлардир.

Маълум бўлишича қайд этилган турларни сони ҳар хил. Жами ҳисобга олинган 5290 та қушнинг 1050 таси гўнғарға, 850 таси пушти чуғурчуқ, 780 таси дехқон чумчуқ, 720 таси ҳинд чумчуғи, 209 таси қишлоқ қалдирғочи, 180 таси қора жарқалдирғоч, 183 таси кўк каптар, 150 таси сариқ буздак эди. Яна сезиларли миқдорда (50-83 тагача) кумри, мусича, какку, яшил буздак, сассиқ попушак, жиблажибон (ниқобли), оддий чуғурчуқ, зағизғон, майна каби турлар учрайди. Айрим турларнинг сони 2-30 тагача бўлиб (миикий, қирғовул, қулоқли япалоққуш, бойқуш, тўқай чумчуғи, булбул ва бошқ.), қушларни зичлигини белгилашда охириги ўринда туради. Юқорида номланган турлардан пушти чуғурчуқ, қулоқли япалоққуш аэропорт ва унинг атрофида уя қурмайди. Уларнинг бири ўткинчи-мигрант, иккинчиси эса қишлоқчи қуш ҳисобланади.

Пушти чуғурчуқнинг галалари аэропорт ҳудудида 1, 17, 20 май кунлари қайд қилинди. Бу қуш қисқа муддатда (15-17 кун) бўлса ҳам ҳар сафар уни галасида 20-50 та қуш борлигини кузатдик. Уларни бу ерда озикланиши, дам олиши аниқланди.

Аэропорт фаолияти учун хавфли турлардан бири гўнғарғалар эканлиги аниқланди. Бу турнинг 2 та колонияси аэропортнинг шимолий-ғарбида яқин жойлашган “Ёшлик” оромгоҳи ҳудудидаги дарахтлардадир. Бу ерда гўнғарғанинг 407 та уяси ҳисобга олинди. Май ойида колониядаги уялар кўздан ўтказилганда, уларнинг ҳар бирида 2-4 тадан жўжалар борлиги маълум бўлди. Жами жўжаларнинг сони 1500 дан зиёд эди. Шу колония доирасида марказдаги дарахтларда анча уяларни бўш, эски эканлиги ҳам аниқ бўлди. Демак, колониянинг шаклланиш тарихи 20 йилдан кўпроқ вақтни ўз ичига олади. Колониядаги гўнғарғалар сони 1000 дан ортиқ. Бу колония аъзолари кўпинча аэропортнинг шимолий қисмида эрталаб, кечга яқин озикланиб дам олади. Шу ҳатти-ҳаракати билан самалётларни қўниши, ҳавога кўтарилиши вақтида анча хавфли ҳисобланади. Биз ана шундай ҳолатда гўнғарғачаларни чўчитиб ҳайдаб юбориш мақсадида 2003 йил 28 май куни соат 17.30 да 30 минут давомида махсус хабарчи мушакларни отишни қўллаб кўрдик. Синаш вақтида аэропорт ҳудудида 350 та гўнғарға мушаклар таъсиридан чўчиди ва “Ёшлик” оромгоҳи томон учиб кетди.

Аэропорт ҳудуди ва унинг атрофида 16 тур қушнинг турли-туман шароитда уяси топилди. Жами топилган, ўрганилган уялар 238 тага етди. Булар орасида энг кўп уялар ҳинд чумчуғи (123 та), майна (31 та), ғуррак (18 та), сассиқпопишак (37 та) га тегишли эди. Айрим турларнинг уялари (жиблажибон, майна, сассиқпопишак ва бошқ.) аэропорт ҳудудидаги эски тўхтаб қолган техниканинг турли жойларида жойлаштирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўпчилик қушларнинг (ғуррак, кумри, микки, зағизғон) уялари маъмурий бино атрофидаги дарахтларда, аэропортнинг чекка чегарасида ихотазорлардаги дарахт-буталарда жойлашган бўлса, яна анча турнинг (сассиқпопишак, қорабошсирчумчуқ, майна, чуғурчиқ ва бошқ) уялари бинолардаги турли тирқишларда, ковакларда эканлиги аниқланди.

Бухоро аэропортидаги ёзги орнитологик ҳолатни асосан уя кўювчи қушлар, уларнинг турли экологик гуруҳлари ҳамда турларнинг ҳаёт циклини шу даври билан боғлиқ бўлган экологик, биологик хусусиятлари белгилайди. Худди шундай аэропорт ва унинг яқин атрофидаги ўсимликлар қопламини кўриниши, турли бинолар, агроценозларнинг жойланиши, ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг специфик хусусиятлари ҳам қушларни ўзига жалб этиши маълум бўлди.

Аэропортдаги орнитологик вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганиш илмий-амалий муаммо сифатида катта аҳамиятга эгадир.

**САРМИШСОЙ ҲУДУДИДА УЧРОВЧИ СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР
ЭКОЛОГИЯСИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

Бақоев С.Б., Холбоев Ф.Р., Ахмедова М.
(Бухоро давлат университети)

Сармишсой Нурота тоғтизимига қарашли адир зонасида Навоий вилояти худудида жойлашган. Мазкур худуднинг ҳайвонот дунёсига тегишли жуда қисқа маълумотлар адабиётларда учрайди. Аммо унинг судралиб юривчилар фаунаси махсус ўрганилмаган.

Мавзуга тегишли материаллар 2001-2003 йилларда (май, июнь ойларида) дала- ўқув амалиёти даврида йиғилди. Кузатувларимиз давомида бу жойда 9 турга мансуб судралиб юривчиларнинг учраши қайд этилади. (жадвал).

**Сармишсойда учратилган судралиб юривчилар тур таркиби ва зичлиги
(2001-2003 йил май-июнь ойидаги маълумотлар асосида)**

Жадвал

Тур	Турнинг номи	Яшаш жойлари ва зичлиги (ўртача 10 га ҳисобида)			
		Аҳоли пункти, дам олиш оромгоҳлари	Сой ва сой атрофидаги тўқайлар	Чорвачиликда фойдаланиладиган текисликлар	Қоялар ва жарликлар
1	Ўрта Осиё тошбақаси	2	-	2	-
2	Кулранг геккон	8	-	3	48
3	Туркистон геккони	4	-	2	21
4	Туркистон агамаси	3	9	4	30
5	Кулранг эчкиэмар	1	1	1	2
6	Сариқ илон	-	2	-	-
7	Узун оёқли цинк	-	1	1	-
8	Ўрта Осий кобраси	1	2	-	-
9	Кулвор илон	1	1	-	-
	Жами	20	16	13	101

Сармишсойдаги биоценозларни шаклланиш хусусиятлари ва таркибига кўра шартли равишда 4 га ажратиш мумкин.

Аҳоли пункти ва дам олиш оромгоҳлари. Бу жойда 7 турдаги судралиб юривчилар учрайди. Уларнинг умумий сони 10 га. да 21 та. Бошқа биоценозларга нисбатан турлар хилма-хиллигининг юқорилиги бу жойда ўсимликларнинг тур таркибининг бойлиги, зичлигининг юқорилиги, бошпана учун қулай антропоген қурилишларнинг мавжудлиги, ҳашаротларнинг мўллиги билан тушунтириш мумкин. Инсон фаолиятининг нисбатан юқорилигига қарамай мазкур худудда судралиб юривчилар кўпроқ учрайди. Шу билан бирга кўпчилиги инсоннинг турли фаолиятлари туфайли нобуд ҳам бўлади.

Қоя ва жарликлар. Судралиб юривчилар зичлиги юқори кўрсаткични (10 га. да 101 та) эгаллайди. Кулранг геккон, Туркистон агамаси каби турлар, қоялар ва жарликлардаги коваклардан озикланиш ҳамда душманлардан химояланишда фойдаланишади. Бундай хусусиятлар уларнинг сонини мўллигига сабаб бўлади.

Сойлар, сойлар атрофидаги тўқайлар, чорвачиликда фойдаланиладиган текисликларда зичлик нисбатан паст (13-16 та). Бундай ҳоллар сойлардаги сув сатҳининг тез-тез ўзгариб туриши, чорва туёғининг кўплиги ва бошқаомиллар таъсирида шаклланади.

Баҳор ойларида дам олувчилар сонининг ҳудудда кўпайиши, аҳоли сонининг ошиши ва фаолиятининг йилдан-йилга кенгайиши судралию юривчилар айниқса Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган кулранг эчкиэмар, Ўрта Осиё кобраси каби турларнинг сонини қисқаришига олиб келиши мумкин.

Амалиёт даврида чўпонлар ва дам олувчилар томонидан 4 та кулранг эчкиэмарнинг, 3 та Ўрта Осиё кобраси, 1 та кулвор илон каби ноёб турларнинг нобуд қилинганлиги, жуда кўплаб Ўрта Осиё тошбақаларининг ҳудуддан олиб кетилганлиги қайд этилди.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Сапрмишсой зонасини аҳолида муҳофаза қилинадиган ҳудуд деб эълон қилиш бу ердаги биохилма-хилликни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

ЗАРАФШОН ШАҲРИ ОРНИТОФАУНАСИГА ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

Ф.Р.Холбоев

(Бухоро давлат университети)

Зарафшон шаҳри Қизилқум чўли худудида 1967 йил Мурунгов олтин конининг ишга туширилиши муносабати билан бунёд этилган. Умумий майдони 1916 га бўлиб, шундан 130 га кўкаламзорлаштирилган, қолган қисмида 10 та микрорайон ва бошқа иншоотлар қурилган. Аҳолиси 54 минг киши. Шаҳар атрофида Мурунгов, Абай, Доғистон каби кичик аҳоли посёлкалари ва дала ҳовлилари жойлашган.

Кузатувларимиз 1996-2003 йилларнинг декабр, июль, август ойларида олиб борилди. Маълумки, ҳар қандай орнитокомплексни баҳолаш, унинг инсон манфаатларига мос равишда шаклланишини таъминлаш ҳамда келгусидаги ҳолатини башоратлаш учун уни йил мавсумлари давомида ўрганиш зарур.

Декабр ойида шаҳарда 22 турнинг учраши қайд этилди. Турларнинг майдон бирлигидаги зичлиги бўйича (барча станцияларда 10 га ҳисобидан) каптар-8,3 та, мусича-3,1 та, майна-19,3 та, гўнқарға-11,8 та, сўфитўрғай-6,8 та, дала чумчуғи-37,6 та каби турлар устунликни эгаллайди. Мазкур турлар ўртокдир. Табиий чўл зонасида бунёд этилган Зарафшон ва бошқа янги шаҳарларда дастлаб юқорида қайд этилган турларнинг тарқалиши ва юқори зичликка эга бўлишини турларнинг эврибионтлиги, экологик пластиклиги билан тушунтириш мумкин.

Қишда қушларнинг шаҳарда озика топиши анча қийин кечиши кузатилади. Қишда сақланиб қолган дарахт ва буталар жуда кам, уруғли бегона ўтлар сийрак, шу билан бирга шаҳар атрофининг яланғочлиги сабабли шаҳарда шамолнинг таъсири яққол сезилади. Бундай хусусиятлар қушларнинг озикланишига анча ноқулайликлар яратади. Бу даврда бозорлар, ахлатхоналар, асосан шаҳар атрофидаги жойлашган чорва моллари ва паррандалар сақланадиган жойларда қушларнинг озикланишини кузатиш мумкин.

Июль, август ойларида шаҳарда қушларнинг турлари хилма-хиллиги ва зичлиги жуда паст кўрсаткичга эгаллиги кузатилади. Қушлар гуруҳида зичлиги бўйича каптар, мусича, қишлоқ қалдирғочи, майна, сўфитўрғай, дала чумчуғи каби турлар устунлик қилади. Бу даврда ҳашаротхўр қушлар (сассикпопушак, кўк буздоқ, карқуноқлар, Бухоро читтаги ва бошқалар) шаҳарда деярли учрамайди. Шаҳарда ва унинг атрофида сийрак жойлашган бошоқли бегона ўтларнинг учраши бу жойда асосан донхўр қушларнинг йиғилишига шароит яратади. Тупроқнинг намланиш даражасининг жуда пастлиги эса ҳашаротхўрларнинг камлигига ва натижада ҳашаротхўр қушларнинг сийраклигига сабаб бўлади.

Зарафшон шаҳрида ёзги орнитофаунанинг Бухоро ёки навоий шаҳарларига нисбатан камбағаллигини яна бир қанча омиллар билан тушунтириш мумкин.

Зарафшон шаҳрида битта истироҳат боғи ва бир қанча кичик хиёбонлар бўлиб, уларда 16-турдаги дарахт ва буталар учрайди. Дарахтларнинг 70 фоизга яқини қайрағоч ва очик уруғлилардир. Уларнинг ўртача бўйи 8-метр. Бундай шароит дарахтларга уя кўювчи қушлар учун анча ноқулайлик туғдиради. Шу сабабли дарахтзорлар нисбатан баланд, зич бўлиб ўсувчи шаҳар четидаги дала ҳовлиларда дала ва ҳинд чумчуқларнинг колония ҳолида уя қуриши кузатилади.

Бу даврда шаҳарда ва унинг жанубида жойлашган майдон 21 га бўлган чўмилиш ҳавзасида сув ҳамда сув олди қушларини учратмадик. Мазкур сув ҳавзаси шаҳардаги ягона очик ҳавза бўлиб, унда қушларнинг учрашини таъминловчи шароитлар деярли йўқ, турли антропоген фаолиятлар жуда юқори.

Шаҳарнинг қиш ва ёз ойларидаги орнитофауна таркиби унинг ўзига хос қурилиши, архитектураси билан ҳам боғлиқ. Биноларнинг аксарияти кўп қаватли, уларнинг тепа қисми бошқа бинолардан фарқ қилиб чердаксиз қурилган.

Бундай бинолар каптар, мусича, майна каби турларнинг кўпайиши ва дам олиши учун анча ноқулай.

Келажақда шаҳар майдонининг кенгайиши, суғориш тизимининг такомиллашуви билан боғлиқ ҳолда кўкаламзорлаштириш ишларининг жадаллашуви, шаҳар атрофида турли

экинзорларни (сабзаёт, поллиз, ем-хашак) кўпайиши кутилмоқда. Бундай ўзгаришлар Зарафшон шаҳри орнитофаунасининг тур таркиби ва зичлигини ошишига олиб келади.

**АМУДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА КУМУШСИМОН
БАЛИҚЧИНИНГ ТАРҚАЛИШ ЭКОЛОГИЯСИ**

М. М. Тўраев, Э. Шерназаров
(ЎзРФА зоология институти)

Мақолада ёритилаётган маълумотла 1990-95 йиллар ва 2001 йиллар давомида Хоразм вилоятининг турли типдаги сув ҳавзаларида (кўлларда, Туямўйин сув омбори, Амударё ўзанида ва балиқчилик хўжалиги ҳавзаларида) йилнинг барча ой ва фасллари давомида олиб борилган кузатишларимиз натижалари ҳисобланади.

Вилоят сув ҳавзаларида бугунги кунда балиқчилар оиласининг 9 тур вакиллари (кумушсимон балиқчи, қорабошли балиқчи, оддий балиқчи, ингичка тумшукли балиқчи, қора чигиртчи, балиқчи тумшук чигиртчи, оддий чигиртчи, кичик чигиртчи, чеграва) қайд этилиб, улар ўзининг миқдори, тарқалиши ва учраш характери билан фарқ қилиши аниқланди.

Адабиётларда, оила вакилларида кумушсимон балиқчи, ингичка тумшукли балиқчи, чеграва ва балиқчи тумшук чигиртчиларнинг ҳудудда уя қуриши ҳақида маълумотлар берилган (Костин, 1956). Аммо, вилоят сувликларида бугунги кунда кумушсимон балиқчи, дарё ва кичик чигиртчиларнинг уя қуриши ареали ва сони адабиёт маълумотларига нисбатан сезиларли кенгайганлигини таъкидлаш лозим. Шу мақсадда биз ушбу турлардан кумушсимон балиқчининг биологияси ва тарқалиш экологияси ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Кумушсимон балиқчи вилоят сув ҳавзаларида учиб ўтувчи, уя қурувчи ва қисман кишловчи тур ҳисобланади. Қишлаб қолган қушлар кўлларнинг қирғоқлари, дарё ўзанлари ва асосан Хоразм балиқчилик хўжалиги ҳовузларида қайд этилади. Бунда уларнинг сони 350-420 тани ташкил этади. Баъзан, қиш илиқ, келган йиллар бу миқдор юқори бўлиши кузатилади, аммо шунда ҳам 1000 тадан ошмайди (Тўраев 1993, Шерназаров, Тўраев, 1994). Январь ойининг охири, февраль ойидан бошлаб қушлар сонининг ошиши кузатила бошланиб, март ойида энг юқори миқдор қайд этилди. Бу ҳол қушларнинг вилоят сув ҳавзаларида баҳорги учиб ўтиш муддатини яққол тасвираб беради. Баҳорги учиб ўтиш давом этаётган даврданоқ вилоят ҳавзаларида уя қурувчи қушлар ўз уя маконларини танлашга киришиши кузатилади.

Бугунги кунда кумушсимон балиқчининг Амударё ўзани ва оролчаларида (20), Абулкўлда (6), зейкўлда (4), Оқкўлда (4), Тозакўлда (59), Хўжакулганда (4), Ялдиравукда (2), Шўркўлда (6), Тўкқизчукурда (2), Даряланда (2), Юлғунли кўлда (67) ва Хоразм балиқчи ҳовузларида (2) уя қуришини қайд этдик. Уя қуриш муддати бир мунча чўзилган. Бу ҳаракатлар вилоятда ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда март, апрель ойларида бошланиб май ойи баъзан июнь ойининг ўрталаригача давом этиши кузатилди.

Қушлар ўз уяларини сув ҳавзаларининг оролларида (Тозакўл, Абулкўл ва дарё оролларида), баъзан қирғоқларида (Юлғунли кўлда), сув ўтлари билан ёки қамиш билан қопланган сув ҳавзаларида эса қамишзорнинг очиқ сувли майдонларидаги тўп-тўп бўлиб ўсган қамиш поялари устида (Тўкқизчукур, Хўжакулган) қўйиши кузатилди. Дастлабки тайёр уя 26.03.92 калажик кўллар тизимидаги Хўжакулган кўлида қайд этилди. Унда дастлабки тухум 30.03.92 да қўйилди. Шундан сўнг апрель ойи давомида вилоятнинг барча сув ҳавзаларида уя қуриш ва тухум қўйиш ҳаракатлари кузатилди (Тўраев, 1994). Энг кеч қўйилган тухумлар Юлғунли кўлида 1992 йил 17 июнда қайд этилган 6 та уянинг 4 тасида 2 тадан тухум, 2 та уяда эса 1 тадан кам босилган тухумлар қайд этилди. Ҳавзаларда қайд этилган уяларнинг ўлчамлари ($n=60$) уя диаметри 51,5 см, баландлиги 16,1 см, уя лодкасининг диаметри 23,5 см, уя чуқурлиги 7,8 см ни ташкил этди.

Уяларда одатда 3 та баъзан 4 тагача, такрорий қурилган уяларда 1 ёки 2 тагача тухум қўйилади. Кузатилган 110 та уяларнинг 97 таси 3 тадан, 1 та уяда 4 та тухум, 12 такрорий қурилган уяларнинг 8 тасида 2 тадан, 4 тасида эса 1 тадан тухум борлиги аниқланди.

Тухум ўлчамлари ($n=200$) мах 78,0x54,5 мм, min 67,5x46,9 мм ўртача 73,5x51,8 ммни ташкил этди. Узоқ босилмаган тухумларнинг оғирлиги ($n=30$) 99,3 г. Тухумлар икки жинс иштирокида 26-28 кун мобайнида босиб ётилиши кузатилди. Уяларда дастлабки жўжалар май ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб (2.05.92; 8.05.94) пайдо бўла бошлади. Шундан сўнг май ойининг сўнгги кунларигача барча қайд этилган уяларда жўжалар чиқиши кузатилди. Жўжалар

икки жинс томонидан кунига 7-12 мартаба озиклантирилади. Озуқа таркиби дастлабки кунларда сув ва қуруқлик ҳашаротларидан иборат бўлса, кейинги кунларда (3-4 кунлигидан бошлаб) озуқа таркиби асосан балиқдан иборат бўлиши аниқланди. Кузатишларимиз, қушларни озуқа таркиби, турли типдаги сув ҳавзаларининг экологик шароитига қараб бир-биридан фарқ қилишини кўрсатди. Жўжалар имюнь ойининг дастлабки ярмидан бошлаб (13.06.92; 15.06.91; 24.06.94) кичик гала ҳосил қилиб мустақил яшашга ўтиши кузатилди. Бу даврда вилоят сув ҳавзаларида учиб чиққан ёш жўжалар ҳисобидан қушлар сонини ортиб бориши кузатилади. Август ойининг иккинчи ярмидан бошлаб қушларнинг кузги учиб ўтиш ҳаракатлари намоён бўла бошлайди.

Август, сентябрь ойлари давомида кумушсимон балиқчиларнинг вилоятнинг йирик, очик майдонли сув ҳавзалари ҳудудида (Улли Шўркул, балиқчилик хўжалиги ҳовузларида) тўпланиши кузатилади. Бу ҳол қушларнинг учиб ўтиш ҳаракатларини ифодалайди. Аммо кузатишларимиз давомида вилоят сув ҳавзаларида қушларнинг максимал сони (1420, 5250) октябрь, ноябрь ойларида тўғри келишини кўрсатди. Бу миқдор шимолий районлардан қишлаш ҳудудларига учиб ўтаётган қушлар ҳисобидан вужудга келади. Ноябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ҳудудда қишлаб қолувчи қушларгина учраши кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм вилояти сув ҳавзаларида кумушсимон балиқчиларнинг сони ва уя қуриш майдони сўнгги 50 йил мобайнида ортиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳол сунъий сув ҳавзалари майдонининг кенгайиши билан бир қаторда қушлар хулқ атворида антропоген омилларга кўникиш ҳосил қилаётганлиги билан изоҳланади.

ХАТИЧА КЎЛИНИНГ ГИДРОБИОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШГА ОИДА МАЪЛУМОТЛАР.

Сайфуллаев Г.М., Умарова Ш.К., Ниёзов Д.С.

(Бухоро давлат университети, Навоий давлат педагогика институти)

Хатича кўли Бухоро вилоятининг жанубий худудида жойлашган. Морфологик жиҳатдан ясси кўллар каторига киоади. Кўлнинг сув билан таъминланиши асосан Қарши коллектори орқали амалга оширилади. Майдони ўзгариб туради, йилнинг серсув келиши билан боғлиқ. Масалан, 2000-2001 йиллар ўзининг қурғоқчилиги билан ажралиб туради. Шу йилларда Хатича кўлининг 40-70 фоизи қисқариб кетди. Серсув йилларда 10-15 мингга, сув танқис йилларда унинг майдони 9-10 минг га. ни ташкил қилди. Кўл 1980-1990 йиллар давомида пайдо бўлган. 1998-1999 йиллардан бошлаб “Бухоробалиқсаноатсавдо” ҳиссадорлик жамиякти томонидан белгиланган норма асосида балиқ овлаш йўлга қўйилди. Ҳар йили 15-20 тоннагача балиқ овланди. Балиқ маҳсулдорлиги 0,5- 1,0 кг\га. ни ташкил қилади. Хатича кўлининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 2000 йилдан бошлаб унинг гидробиологияси, гидрохимияси ўрганила бошланди.

Кўл ниҳоятда ясси бўлиб, максимал чуқурлиги 6-8 м, ўртача 2-3 м ни ташкил қилади. Юксак даражали ўсимликлардан: *Potamogeton* sp, *tuphaangustipholia* L, *Phragmites comunis* Trin, *Skirpus* sp билан қопланган. Кўлнинг очиқ ва саёз жойларида балиқлардан *Rutilus rutilus aralencus* Berg, *Aspius aspius tayeniatus nation iblioides* Kassler, *Barbus capito conocephalus* Kessler, *Chaekalburnus chalcoides aralensis* (Berg), *Abramis brama* Berg, *Karassius auratus gebilio* (Bloch) *Kuprinus karpio* L, *Licoperca licoperca* учрайди.

Хатича кўлидан овланадиган балиқнинг 70-80 % ни вобла, карас ва леў ташкил қилади (Абдуллаев, 1989). Ўрганилаётган кўл куйидаги гидробиологик хусусиятларга эга. Сув ҳарорати ўртача йил давомида 18-22 С ни ташкил қилади. Йилнинг ёз фаслида ҳарорат максимал 28-30 С қайд қилинади, минимал ҳарорат киш фаслида 4-6 С кузатилади; сув тиниқлиги 1,5-2,0 м, киш фаслида тиниқлик юқори 2,5-3,0 м бўлади. Сув муҳити (рН) ўртача 7,6-7,8 ни ташкил қилади. Сувдаги эриган О₂ анча паст 6-8 м \л ёки 60-70 % тўйиниш даражасига эга юқори кўрсаткич кўлнинг очиқ жойида соат 15.00 да 10-12 мг\л ёки 105-120 % тўйиниш (ёз пайтида аниқланган) сувнинг БПК 5 кўрсаткичи анча юқори 8-12 мг\л сувдаги биоген моддалар азот ва фосфор (N,P) нинг кўрсаткичи 2,0-2,5 мг\л ни ташкил қилади. Умумий минералланиш кўрсаткичи 15-17 г\л. Хатича кўлининг суви А.О.Алекин классификациясига мувофиқ (1948) хлорид-сульфатли сув синфига ва кальцийли сув гуруҳига мансубдир. Макрофитларнинг маҳсулдорлиги куйидагича: лух 30-40 кг\м², камиш 30-65 кг\м², рдест 8-10 кг\м², хара 3-5 кг\м², юмшоқ сув ўти маҳсулдорлиги кўрсаткичи нисбатан паст. Дағал сув ўтлари ва уларнинг қолдиғи ниҳоятда кўп. Хатича кўлининг фитопланктони асосан диатон сув ўтларидан (55-65 %), кўк яшил сув ўтларидан 25-30 % ҳамда яшил сув ўтларидан (5-8 %) иборат.

Фитопланктон миқдори 10-15 млн. хуж\л, биомассаси 0,001-0,002 мг\л. Хатича кўли фитопланктонининг ялпи маҳсулдорлиги 45-50 тоннага яқин. Агарда озиқа коэффициентини 6 деб қабул қилинса унда фитопланктон ҳисобида 8,3 тонна қўшимча балиқ маҳсулоти олиш имконияти мавжуд. Хатича кўлининг зоопланктони 23 турдан иборат, булар *Rotatoria* 11, *kladosera* 7 ва *Soropoda* 5 турдан иборат.

Доминант турлар бўлиб *Synchaeta pectinata* Enrenb, *Polyatra vulgaris* Carlin, *Brachionus quadridentatu* Hermann, *Keratella quadrata* (O.F.Mull), *Diaphunasoma Brachuurum* Liesin *vichinus* Ulian, *Acanthocyclops* sp кабилар ҳисобланади. Зоопланктон массаси 1,5-2,2 г\м³ куб. Хатича кўли зоопланктонининг озиқа коэффициенти 8 деб қабул қилинса қўшимча равишда 18,2 тонна балиқ маҳсулоти олиш имконияти мавжуд. Зообентос 17 турдан иборат бўлиб, асосан хирономит личинкалари устунлик қилади. Доминант турлардан: *Polypedilum aberrans* Jghern, *Orthocladius* sp, *Cricotopus silvestris* F, *Chironomus plumosus* L, *Cruptochironomus conjugens* K, *Pelopia villipennis* (K) Tshern/

Хирономит личинкаларининг ялпи маҳсулдорлиги 150 тонна агарда зообентоснинг озиқа коэффициенти 8 деб олинган 18,7 тонна қўшимча равишда балиқ маҳсулоти олиш мумкин.

Шундай қилиб, Хатича кўли Науман ва Тенниман классификациясига мувофиқ қуйи Зарафшон сувликлари мезотроф синфига киради.

**ГИДРОБИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СБРОСНЫХ ВОД И
ИХ РЫБОХОЗЯЙСТВЕННОЕ ЗНАЧЕНИЕ**

Д.С.Ниязов, Г.М.Сайфуллаев, Ш.К.Умарова
(Бухарский государственный университет,

Навоинский государственный педагогический университет)

В Бухарском и Навоинском оазисе в результате хозяйственной деятельности человека отмечается рост площади засоленных земель. Она достигает 80-90 %. С целью уменьшения их площади на орошаемых районах сооружений дренажные сети, повышающие их минерализацию до уровня 8-10 г\л а в летний-осеннее время до 12-15 г\л. объем коллекторно-дренажных вод превышает 1,5-2,5 млрд м куб. За счет этих сбросных вод образовался ряд озер: таких как Денгизкуль 35 тыс. га. объем 0,8-1,0 млрд м куб, Кара-кир 10 тыс га, объем 0,3-0,3 млрд м куб, Замон 10 тыс га, объем 0,3-0,4 млрд м куб. Температура воды летом +28+30 С, зимой около -4 С. Прозрачность воды колеблется от 2,0 м до 8,5 м, активная реакция воды (рН) 7,8-8,2. Содержание растворенного кислорода от 6,8 до 8,5 мг\л, БПК 5-4,1, сумма ионов 8630 мг\л, хлор 1047 мг\л, см сульфаты-1536 мг\л. По классификации А.О.Алекина (1948) все сбросные воды относятся к хлоридно-сульфатному классу кальцевой группы.

В последние годы отмечается эвтрофирования водоемов, с бурным развитием высшей водной растительности, такой как тростник, рогоз, камиш, рдест, хара, урут, нитчатка и др. Их зеленая масса составляет 80-100 кг м².

Фитопланктон состоит из более 120 видов (Андриевская, 1982), даговых 48 %, синий-зеленых 28 %, зеленых 20%, другие виды 4 %, их среднегодовая численность 350 тыс. кл\л, биомасса 0,7 мг\л.

Зоопланктон состоит из 26 видов, из них колоратки 12, ветвистоусы 8 и веслоногие рачки 6 видов. Доминируют: *Sumchaeta pectinata* Enrenb, *Polyartura Vulgarus* Karlin, *Brachionus kuadridentatus* Hermann, *Keratella quadrata* (O.F.Mull), *Diaphanosoma Brachjiurum* Mull, *Cuclops vicinusulian*, *Arctodiaptomus salinus* среднегодовая численность 20,8 тыс. экз м куб и биомасса – 2,0 г\м куб. Зообентоз представлен 32 видами, из них 26 личинки хирономит (Ахроров, 1982) доминируют: *Chironomus semlrductus*, *Ch.plumndus*, *Cryptohironomus burganadzea*, *Limochironomus nervosus*. Среднегодовая численность 165,8 экз\м², биомасса 0,9 г\м². Численность представителей пелагобентос, таких как мизид, креветка в последние годы намного сократились. В последние годы (2000 г.) мизид был обнаружен только в оз. Девхана. Как видно из приведенных данных зообентос водоемов низовьев реки Зарафшон, как и других водоемов Средней Азии беден. Причины бедности является резкое колебание уровня воды, отсутствие вокруг водоемов растительности, сильные дующие ветры, грубодетритность грунтов, высокая минерализация воды.

По преобладающим группам, бентоз относится к хирономидному комплексу. На основании классификации Ц.И.Июффе (1961) следует отнести к малопродуктивным водоемам учитывая, что глубоководная часть озер слабо заселена данной фауной. Предлагаем вселять туда мизид, полихед и гаммарит. В связи с повышенной соленостью воды, до 15-19 г\л, вселять *Artemia Salina*. Есть основания считать, что они найдут благоприятные условия.

По биологической классификации А. Тиннемана и Е. Наумана все перечисленные водоемы относятся к мезотрофным (1,5-3,0 гм куб) водоемам.

Высшая водная растительность и фитопланктон не используется рыбами, так как в озерах растительностные рыбы крайне редки. Суточный рацион Малков белого амура массой 32 г составляет 4 % от массы тела. Кормовой коэффициент высших водных растений, поедаемых белым амуром-30 (Веригин, 1963). С целью использования зеленой массы следует водоемы ежегодно зарыблять молодь белого амура весом 80-100 г, из расчета 1800684 экз на водоем. Учитывая, что 50-60 % кормовых объектов используется рыбой и принимая кормовой коэффициент зоопланктона и фитопланктона равным 8 (Вынберг, 1956), можно дополнительно получить 17,6 т ихтиомассы.

В виду того, что суточный толстолобиков массовой 35-40 г составляет 19,2 г рекомендуется выпустить до 173444 экз. молодь толстолобиков весом 50-80 г. При

рациональном использовании кормовой базы можно дополнительно получать до 46 т рыбопродукции.